 Бир сғиз ширин сўз
 Нондек арзанда.
 Мен сдам эдим-ку,
 Инсон фарзанди...

Ўтмишда Шайх Саъдийнинг “Бўстон” ва “Гулистон” асарлари ўзбек мактабларида хрестоматия китоблар тарзида ўқилган. Назаримда, Ғафур Ғулом бу китобларни жуда кўп ўқиб мутолаа қилган ва унинг шоир бўлиб етишувида Саъдий асарлари чуқур таъсир кўрсатган. Саъдий фақат Ғафур Ғулוםга эмас, умуман ўзбек адабиёти тараққиётига, инсонпарварлик ва адолатпарварлик ғояларининг баланд оҳангларда қуйланишига мадад берган. Чунки унинг шеърляти, хусусан, “Бўстон” китобийликдан узоқ бўлиб, у бевосита қайноқ ижтимоий-сиёсий ҳаётдан, жонли халқ тилидан сув ичган, озикланган ва шунинг учун ҳам жамиятнинг ҳамма табақаларига тушунарли бўлган.

Шу билан бирга Саъдийнинг ўз асарларида умуминсоний ғояларни илгари суриши ва изчил қуйланиши шоирнинг шухратига доим шухрат қўшган.

Масалан маълумки, дунё ҳамжамияти оилалардан7 иборат. Оила эса эр ва хотиндан ҳамда уларнинг болаларидан ташкил топади. Дунёнинг тинчлиги ва равнақи кўп жиҳатдан бинобарин, оилаларга боғлиқ.

Оилада хотиннинг ўрни катта. Шоир тарбият ҳақидаги еттинчи бобда яхши, одобли ва ақлли хотинлар тўғрисида шундай сатрларни битган:

Хотин бўлса гар поку ақли расо,
 Эрин шох этар, - гарчи бўлса гадо.
 Кўнгилга мувофиқ эса ёр агар,
 Зафар созини чалки, - топдинг зафар...
 Агар бўлса ёринг иноку гўзал,
 Муродингга етдинг — муродинг ўшал.
 У бўлса ширин сўзли-ю покдил,
 Уни ё хунук, ё гўзал демагил.

Дили пок хотин агарчи хунук,
 Ёмон хулқли хушманодан тузук.
 Эри сирка берса, у ҳалво дегай
 На ҳалво ебон эрга аччиғлагай.

Лекин ҳаётда, шу жумладан, ўз шахсий турмушида ёмон, тарбиясиз хотинларни ҳам кўрган, кўп озор тоққан Саъдий улар тўғрисида ҳам бир-икки сўз айтиши зарурлигини унутмаган:

Дил оромидир яхши бўлса хотин
 Ёмон бўлса, ундан Худо сақласин.
 Эса тўти бир зоғ билан ҳамқафас,
 Қафасдан қочиш истагай ҳар нафас...
 Ковуш тор эса, - киймаган яхшидир,
 Уруш бўлса уй, - турмаган яхшидир...
 Ул уй ичра ён шодлик эшитгин, -
 Уруш бирла шовқин чиқарса хотин.
 Хотин бўлса нодону ҳам кир юрак,
 Хотинмас, - бошингга балодан дарак.

Бу сатрлар бундан етти ярим аср мукаддам ёзилган эса-да, бироқ ҳар бир оила учун ҳамон бугун ёзилгандай ва муаллифнинг данолигидан гувоҳлик беради. Чунки оила масаласи ҳамон ўз ечимини топмаган муаммолар билан тўла. На эрлар, на хотинлар Саъдий давридагидан ортиқ даражада ақлли бўлиб кетганларича йўқ. Адабиётда эса янги Саъдийлар пайдо бўлса!

Яна характерли томони шундаки, Шайх Саъдийнинг шоирона донишмандлиги бир-икки давр учун эмас, ҳамма даврлар учун ҳам хизмат қилаётгандай ва унинг ғоялари, ёрқин тимсоллари бизнинг дав-

римизда ҳам ярқираб тургандай, ҳеч эскирмагандай.

Хусусан, биз бугунги кунда, янги бир замонда, мустақиллик шароитида яшаб фаолият кўрсатар эканмиз, ёш авлодни касб-ҳунар орқали тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодий шароитида ҳар томонлама ривожланиш учун йигитлар учун ҳам, қизлар учун маънавий тарбия билан бир қаторда турли касб-ҳунарларни ўргатадиган турли лицей ва коллежлар очилмоқда ва фаолият кўрсатмоқда. Шу масалада ҳам Шайх Саъдий биз билан ҳамфикр ва устоздек. Ҳар бир оила учун эса унинг “Бўстон” ва “Гулистон” асарларини ҳаёт дарслиги ва тарбия учун ноёб қўлланма, деб аташ мумкин.

Буюк шоир “Бўстон”нинг тарбияга доир бобида ҳар бир ота, ҳар бир онага мурожаат этиб ёзади:

Ўтай яхши ном бирла десанг агар,
 Сен ўғлинга ўргатгил илму ҳунар.
 Агар бўлмаса ақлу фикри унинг,
 Нишон қолмагай сендан ўлган кунинг.
 Ота-онаси эркалатса нукул,
 Жуда кўп қийинликни кўргай ўғул.
 Қўлида ҳунар бўлса, бўлмас гадо
 Тиланмас у ҳожат билан эл аро.

Шоир наздида болани маълум бир касб ёки ҳунарга ўргатиш осон иш эмас. Бунинг бир қанча қийинчилик-лари бўлиб, бунга ҳар қандай бола бардош бера олмайди. У биринчи навбатда яхши шогирд сифатида қанча машаққатли бўлмасин устозининг атиганини, кўрсатганини у талаб қилгандек, ҳатто ундан ортиқ қилиб бажариш, унинг таъкидларини ўзига оғир олмаслиги, номуносиб ишларга чалғимаслиги, ёмон

кишиларнинг гапларига кирмаслиги лозим. Шунда у давлат, бахт ва бойликка тез эришиб, ўзи ҳам устозлик даражасига кўтарилиши, ҳеч қачон бировнинг қўлига қарам бўлиб қолмаслиги мумкин:

Бўлур эл ичида у шогирд хароб,
 Агар чекмас устоз қўлида азоб.
 Кўмак бергил ўзинга, - у толмасин
 Кишилар қўлига қараб қолмасин.
 Хар одамки фарзанд ғамин емагай,
 Бировларнинг илгида хор сақлагай.
 Ёмон устага берма шогирд этиб
 Бузар у бузуқ феълени ўргатиб.
 Ўғил бўлса улфат саёқлар билан,
 Умид узсин у ота бу ўғлидан.

Албатта, бу асарда атрофлича таҳлил қилинган ва қилинадиган, ёритилган ва ёритиладиган масалалар кўп ва ғоят ранг-баранг. Аммо асар марказида Инсон муаммосига асосий диққат қаратилган бўлиб, комил инсон масаласи бу дostonда ўзининг ғоят юксак ва мукамал бадиий ифодасини топган. Дунёдаги ҳар бир инсонни бахтли ва мукамал ҳолда кўриш Шайх Саъдийнинг энг олий орзуси эди. У ўзининг бу дostonини бир замон, бир халқ ва бир мамлакат учун эмас, барча халқлар ва замонлар учун яратган. Шунинг учун мен ўйлайманки, унинг бу асари бугунги ўзбек китобхонлари учун ҳам худди кеча ёзилгандай муҳим ва ўлмасдир.

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 17-том. —Т., 1983. 462-463-бетлақр.

² Саъдий. Бўстон. —Т., 1960. 5-бет. Дostonдан келтирилган кейинги шеърый таржималар ҳам ушбу китобдан олинган. — А.Х.

Суйима Ғаниева,
филология фанлари
НОМЗОДИ

“ГУЛИСТОН” ВА “БЎСТОН” ТАРЖИМАЛАРИДАГИ БАЪЗИ НОСОЗЛИКЛАР

Саъдий Шерозий шеърятига, хусусан, “Бўстон” ва “Гулистон” асарларига таважжуҳ бизда қадимдан бўлган. Уларни ўзбек зиёлилари аслиятда ўқишган. Саъдий асарлари ўзбек тилига кўплаб таржима қилинган.

Ўтган асрнинг 60-йиллари сўнгида Саъдий “Гулистон”и янгидан таржима қилинди. Таржимонлар Ғафур, Ғулом, Шоислом Шомухаммедов (шеърий парчаларни) Рустам Комилов (нарсни)лар форс тилини яхши билган, Эрон адабиётининг ҳам пухта билимдон-лари бўлиб, таржимани алоҳида бир жўшқин ижодий жараёнга айлантириб меҳнат қилганлар. Ғафур Ғуломнинг эътирофларига кўра, улар учрашганда салом-алиқдан кейин бир байт ёддан ё аслиятда, ё таржимада Саъдийдан ўқишга аҳд қилишган экан.

Ш.Шомухаммедов Саъдий “Гулистон”ининг бу таржимасига ёзган “Бир даста гул” номидаги мўъжаз сўз бошисида асарнинг моҳиятини очиб беради ва Ғарбий Европа, рус ҳамда ўзбек тилларига қилинган таржималари ҳақида маълумотлар келтиради¹.

“Гулистон” муқаддима, 8 боб ва хотимадан иборатдир:

Муқаддима

1 боб — Подшоҳлар сийрати

2 боб — Дарвешлар ахлоқи

3 боб - Қаноат фазилати

4 боб - Хомушлик(сукут) фойдалари

5 боб - Ишқ ва ёшлик

6 боб - Заифлик ва қарилик

7 боб - Тарбиянинг таъсири

8 боб - Сухбат одоби

Хстима.

Ҳар бир бобдан бир ҳикоятни Сайфи Саройи, Огаҳий ва Ғафур Ғулом, Ш.Шомуҳаммедов, Р.Комиловлар таржималарида қиёс қилинганда маълум бўлдики, шеърлар равон, гўзал ўтирилган, мазмун сақланган, лекин баъзи “ситез”, “фигор”, “турба” каби сўзларнинг ўзбек тилига муносиб берилмаган, баъзи ислоний тушунчалар ҳам олиди берилмаган, ҳам насрда ўша давр мафкураси тазйиқи бўлган шеърда, тартиб юборилган (“О доби тасниф”га оид қисмлар ҳам таржима қилинмаган), қисқарттирилган қисмлар ва қўшимчалар ҳам мавжуд.

Сайфи Саройи, Огаҳий таржималарида асарнинг Саъдий замонаси руҳи сақланган. Кейинги таржимада эса таржимонлар асар моҳиятини сақлаб қолган ҳолда, унинг руҳини ўз замоналари талабига мослаштиришга ҳаракат қилганлар.

“Бўстон” таржимаси атоқли шоир, Шарқ адабиётининг билимдони Чустий томонидан амалга оширилди. Унда асарнинг ғояси, ахлоқий тизими, таржимада эса таржимонлар талқини, ҳукмдорларнинг халққа ғамхўр бўлишлари, нафс, ҳашам, мансабга берилмаслик, ҳокимлар, қаноатли, саховатли бўлишликка дават пандунасиҳат мазмунидаги ҳикоятларда очиб берилишига ноил бўлинган. Аслият билан қиёс қилинганда таржимада аксар ҳолларда ҳозирги тилимизда ишлатилмайдиган сўзлар ўз ҳолида қолдирилган. Масалан, зуфунун, нишот, осий, Ҳақ, Илоҳ сўзлари тушириб қолди-

рилса, дарвеш, қаландар сўзлари, ғариб, саёқ, фақиҳ - мулла, худпараст — беҳабар тарзида берилган.

Ишқ бобидаги ҳикоятда ишқнинг шиддати, қудрати наздида ақлнинг лол қолиши ғоят жўшқин, ҳис-ҳаяжон билан баён этилади.

Саъдий Шарқдаги машҳур варзиш турларидан “Гўй ва Чавгон»га ишора қилиб, бадий санъатлардан ташбеҳ ва истиорани қўллаб ишқ қўлидаги Чавгон ақл — тўп, унинг асири деганини

Ақдан сен ишқ олдида очма тил,
У футболчи, бу тўп эрур яхши бил деб

ўтирганларки, бундай ҳолни шоир ва шеършуносда учраши ниҳоятда ажабланарлидир.

Чустий таржималарида замонасозлик нуқтаи назаридан ўзгартирилган талқини алмаштирилган байтлар ҳам бор. Айни чоқда мутаржим аслият руҳини, дидактик оҳангини, эмоционал таъсир даражасини беришга ноил бўлган. Ўзбек китобхони Саъдийнинг “Бўстон” асари ҳақида муайян тасаввур пайдо қилади.

Таржимада тушириб қолдирилган (ҳамд, наът ва б.) қисқартириб берилган ёхуд бирлаштириб юборилган ўринлар бор. Фикримизча, Истиқлол яратган имкониятларга кўра уларни тиклаш лозим. “Бўстон” янгидан таржима қилиниб, маълум шарҳ ва изоҳлар билан нашр этилиши керак.

Саъдий “Гулистон”и ва “Бўстон”ининг илмий-танқидий матнлари нашр этилган. Бинобарин таянч нусхалар мавжуд.

¹ Саъдий. Гулистон. —Т., 1968. 9-бет.

Муниров Қувомиддин,
ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний
номидаги Шарқшунослик
институтининг етакчи илмий
ходими

“ШАВҚИ ГУЛИСТОН” ҲАҚИДА

Маълумки, буюк форс адиби Шайх Муслиҳиддин Саъдий хазратларининг асарлари шу жумладан, “Гулистон” номли машҳур асарининг ажойиб қўлёзма ва босма нусхалари дунёнинг жуда кўп мўтабар қўлёзма асарлар хазиналарида ва кутубхоналарда сақланмоқда. Шулар қатори Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзма асарлар хазинасида ҳам, Саъдий асарларининг, шу жумладан, “Гулистон” асарининг анчагина ажойиб қўлёзма ва босма нусхалари мавжуд. Улар орасида қадимий қимматли қўлёзма нусхалар ҳам учрайди. Бундай ажойиб қўлёзма нусхаларнинг сақланиб қолганлиги Саъдий ижодига ва унинг “Гулистон” асарига Ўзбекистонда ўтмиш даврларда ҳам катта қизиқиш билан қаралганлигининг далилидир. Бу асар асрлар давомида халқимиз томонидан катта муҳаббат билан ўрганилган, ўқитилган ва ўзбек тилига таржима қилинган. Биз ҳам талабалик йилларимизда Саъдийнинг бу асарини ўқиганмиз ва ўрганганмиз.

Буюк ўзбек шоири, тарихнавис олим ва моҳир таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳий жуда кўп асарларни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган. У ўзининг “Таъвиз ул-ошиқин” номли девонининг сўз

бошисида куйидаги маълумотларни келтиради. “Фақирнинг (Огаҳий - Қ.М.) ўзбек тили билан таржима қилган китоблари: “Равзат ус-сафо”нинг иккинчи дафтарида чаҳорёри изомнинг воқеаси, учинчи дафтари, “Нодирнома”, “Зафарнома”, “Хубдат ул-ҳикоят”, “Мифтоҳ уг-толибин”, “Ахлоқи муҳсиний”, “Воси-фий”, “Насихатномаи Кайковус”, “Саломон ва Ибсол”и, “Жомий”, “Гулистони Саъдий”, “Баҳорис-тони Жомий”, “Тазкираи Муқимхоний”, “Табакоти Акбаршоҳий”, “Хафт пайкари Низомий”, “Хашт беҳишт”и, “Хисрав”, «Юсуф Зулайхойи, Жомий»-ким манзум бўлди”, “Шоҳ ва гадойи” “Хиллийким манзум бўлди”. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ўмишда халқимиз томонидан форс тилида яратилган асарларга катта қизиқиш билан қаралган. Кўплаб асарлар ўзбек тилига таржима қилинган. Биз фақат биргина Муҳаммад Ризо Огаҳий тарафидан форс тилида ёзилган асарлардан ўзбек тилига таржима қилинган асарларнигина келтириб ўтдик. Бундай ишлар кўплаб амалга оширилган. Юқорида кўрсатиб ўтилган Огаҳий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган асарлардан, бугун биз сўз юритаётган Саъдийнинг “Гулистон” номли асаридан бир неча қўлёзма нусха ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзма асарлар хазинасида сақланмоқда.

Кейинги даврларда ҳам Шайх Саъдийнинг “Гулистон” номли асари ўзбек тилига таржима қилинган ва нашр этилган.

Бу таржима ва нашрни араб ва форс тилларини яхши билган, ўз даврининг кўзга кўринган зиёлиларидан тошкентлик олим Мулла Муродхўжа эшон Солиҳ хўжа Эшон ўғли амалга оширганлар. Бу асар

Тошкентда 1327/1909 йили Ғулом Ҳасан матбаасида босилган.

Асарнинг аввалги варағига “Шавқи Гулистон” деб ёзиб қўйилган. Шунингдек, аввалги саҳифага чиройли настаълиқ хатида қуйидаги сўзлар ёзилган:

*“Гул замони беш-олти кундир бас,
Бу “Гулистон” ҳамиша пок нафас.*

Насрда берилган текст, насрда сўзма-сўз таржима қилинган. Шеърларда берилган сўзлар, шеърда ҳам таржима қилинган.

Улардан бирини келтириб ўтайлик. Форсийда “Ҳукамо гўяндки: дуруғи маслаҳатомез беҳ аз рости фитнаангез” сўзининг таржимаси ўзбек тилида қуйидаги берилган: “Ҳакимлар демишлар: Маслаҳат битиручи ёлғон яхшидур, фитна кўпоручи тўғридан”.

Бу таржима ва нашр этилган китобдан бир неча нусха ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг босма китоблар фондида сақланмоқда.

Шайх Саъдий ижодига бўлган қизиқиш ўз давридаёқ жуда катта бўлган ва замондошлари томонидан юқори баҳоланган. Жомий ўзининг “Нафаҳот ул-унс” ва Шайх ал-Ориф Озарий ўзининг “Жавоҳир ул-асрор” асарида келтирилган маълумотларга қараганда Шайх Саъдий кексайиб қолган вақтида Ҳиндистонга боради ва Амир Хусрав Деҳлавий у билан учрашиб шарафига муяссар бўлади ва унга кўп мулозиматлар ва илтифотлар кўрсатади. Шу асарда Амир Хусрав Деҳлавийнинг Шайх Саъдий ижоди ҳақида юқори фикрда бўлганлиги борасидаги маълумотлар ҳам келтирилган.

Хулоса қилиб шуни айтса бўладики, буюк адиб ва

шарқ классик адабиётининг йирик намояндаси Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ҳазратларининг ижоди, асрлар давомида Ўзбекистонда кенг ўрганиб келинган ва келажакда ҳам унинг катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган машҳур «Гулистон» асари халқимиз томонидан севиб ўрганилган.

Ж.Ҳазраткулов

САЪДИЙ “ГУЛИСТОН”И ВА ФОРС НАСРИ

Аш-Шайх ул-Имом ул-муҳаққиқ, Малик ул-калом, афсаҳ ул-Муслиҳ бин Абдулло бин Мушриф асл-Саъдий ал-Шерозий¹ ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, Абулқосим Фирдавсийдан кейин форс адабиёти осмонини ўзининг заррин нури билан янада кўпроқ мунаввар этган адибдир. Унинг номи, насаби, туғилган ёки вафот этгани йили ҳақида қадимги тазкираларда турли мунозарали фикрлар мавжуд, аммо қадимги манбалар ва тадқиқотларга асосланиб, унинг номи ва насаби тўла-тўқис юқорида кўрсатил-гандек исбот этилган.

Энг қадимги манбалардан бўлмиш Ибн ал-Фуватийнинг (1323 йил вафот этган) “Мажма ул-одоб фи мўжам ул-алқоб” асарида ёзишича, унинг ўзи 1261 (660 х.қ.й) йилда устозга мактуб йўллаб, ундан унинг арабча шеърларини сўраган. У ўша асарида Шайхнинг номини Саъдий Шерозий номи билан машҳур “Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Абдулло бин Мушриф бин Муслиҳ бин Мушараф” деб атайди, чунки у Саъдий Шерозий билан замондош бўлган, бироқ у “Мушрифиддин” сўзини тушириб қолдирган. Дарҳақиқат, “Гулистон”нинг танқидий матнини тайёрлаган таниқли эроншунос олим Р.Алиев ҳам Муслиҳиддин Саъдий эмас, балки унинг тўлиқ ва аниқ исми Абу Абдулло Мушрифиддин ибн Муслиҳиддин Саъдий Шерозийдир деб ёзади.³ Бундан ташқари, Саъдий ва ибн ал-Фуватийнинг замондоши Бесутун номи би-

лан танилган Абу бин Аҳмад бин Аби Бакр эса шоир вафотидан 35 йил кейин Шайх асарларининг биринчи нусхасини йиғиб, тўплаб ва танзим этган аввалги шахс бўлиб, унинг лақаби, исми ва тахаллусини “Мавлоно ва Шайх ул-Шуйух фи ухдати ва қадава-тул-Муҳаққиқин афсаҳ ул-мутакаллимин муфакххар ус-солиҳин Мушриф (Шараф) лиллоҳати вал-ҳақ вад-дин Муслиҳил-Ислом ва ал-Мусаллилин Шайх Саъдий Шерозий Қуддиса сирраҳу” деб ёзади. Агар биз унинг бу таърифи-тахсинларига кўмилган эпитетларидан асл номини чиқариб олсак, фақат Афсаҳ ул-мутакалликин Мушриф (Шараф)иддин Муслиҳ Саъдий Шерозий қолади. Хуллас, қанча тарихга чуқур кириб борилса, шунча иштибоҳларга дуч келади киши. Устоз шоир қанақа исми-шарифда бўлмасин, бизнинг дидимизга Муслиҳиддин Саъдий Шерозий бўлиб нақш этилган. Шайх Саъдий сарой шоири эмас эди, ҳатто айтиш мумкинки, унинг шуғулланган асл касби-хунари ҳам шоирликка алоқаси йўқ эди. Гарчи Боғдоддаги “Низомия”да таҳсил олган бўлса ҳам. Бу мадрасанинг толиби илмлари мусулмон руҳонийлари ҳукмдори, муҳаддислари ёки муфассирлари, ё воизу-музаккарлари бўлардилар. Устоз эса ана шу охириги тоифага мансуб шахс эди. У ислом дунёсида узоқ сафарларда бўлиб, асосан суҳандонлик, воизлик ҳалқни динга тарғиб этиш ва исломий ахлоққа чорлаш каби масалалар билан шуғулланган, бу ҳақда Шайхнинг асарларида талай исботлар мавжуд. Бундан ташқари, Шайх Саъдий лексикология, морфология, калом ва мантиқ, фалсафа илмлари, айниқса сиёсий-ижтимоий масалаларнинг амалий томонлари ҳақида қатта истеъдод ва маҳорат соҳиби эди. Унинг “Бўстон” (“Саъдийнома”) асари бунинг гўзал ва ёрқин наму-

насидир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, шиор арабий ва адабий илмларни пухта, пишиқ ва унинг нозик ва нафис қатламларини мукамал ва аниқ илғайдиган, сезадиган, араб шоирлари девонларини чуқур мутолаа қилган, форс тилини керагидан ортиқ билган, зийрак ва зукко олим Шайх эди. У сўз ноциклиги, шоирона истеъдод ва табиий ритмни назм ва насрдаги форс адабий рамзлари билан ўзаро уйғунлаштиради.

Буни нафақат Саъдийнинг “Гулистон”и, ҳатто баъзи ғазалиётдан ҳам яхши фаҳмласа бўлади, чунки у ўзидан олдинги шоирларнинг назм ва насрий асарларини мукамал ўзлаштириб олганлиги учун ҳам ана шундай натижага эришган. Сўзларни муназзам ва тартибли жой-жойига қўйиш, уларни оҳангга зиён етказмай ўзаро муносабатлаштириш, сўз ва маъно уйғунлигини бу даражада таъминлаш эса фақатгина завқда ёки зеҳннинг мавжудлиги, қолаверса, Худо берган истеъдоддангина эмас, чунки Саъдий замондошлари асарларида учрамайдиган ёки кам учрайдиган баъзи иборалар Саъдийнинг назми ёки насрида кўринади. Бу эса шоирнинг форе тилидаги катта билим соҳиби, чуқур изланиш ва тадқиқотлар олиб борганлигини исботлайди ва ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, унинг илмий-назарий ва амалий билимлардан ташқари бадиий диди ва адабий завқининг кучлилиги ҳам ана шундай беназир натижаларга эришишда катта роль ўйнаган, албатта.

“Гулистон” асарида эса унинг бутун бадиий санъати, маҳорати ва шахсияти мужассамлашган. Агар дейлик, унинг мана жажжигина кичик ҳажмли, бироқ улкан маъноларга бой асари бўлмаганда, Шайх Саъдийнинг индивидуаллиги, энг юқори даражадаги ба-

дий маҳоратининг кўп қирралиги номаълум бўлиб қоларди. У ҳолда эҳтимол форс насри ҳам бу улкан ва буюк аҳамиятга молик бадий бойлиқдан бебаҳра қоларди.

Саъдийнинг “Гулистон”и ниҳоятда улуғ маҳорат ва истеъдод билан битилган асардир. Муаллиф ўз олдига ўқувчини маънонинг мураккаб жимжимадорлиги ва қуруқ панд-насиҳатлар билан толиқтирмасликни ҳам мақсад қилиб қўйган. “Гулистон”нинг таълиф этилиш тарзи ва маъноларнинг тартибга солинганлиги янги бўлганлиги учун ҳам унинг иншо этилиш услуби ҳам янгидир.

XII асрда форс бадий наср тараққий этиб, унинг устига бу даврда араб адабиётидан мақом жанри кириб келди. Мақомлар одатда сажъ усулида яратилиб, биринчи шахс томонидан баён этилиб, наққол воқеа-ҳодиса қаҳрамонининг гувоҳи сифатида қатнашади.

Энг биринчи ва мукамал яратилган мақом намуналари Ҳамидиддин Балхий (1168 йилда вафот этган)нинг 1155 йилда араб тилида яратилган “Мақомлар мажмуаси”дир.

Ал-Ҳажрийнинг (1054-1122 йил) арабча мақомлар мажмуаси ҳам жуда кенг тарқалган. Ҳамид мақомат-лари” шу жанрнинг энг гўзал намунасидир.

Араб тилида ёзилган бу сингари ҳикоялар мажмуаси IX-XI асрларга трааллуқли эди, бироқ XIII асрнинг 30-йиллари охирида бухоролик Саъиддин Муҳаммад Авфий худди шу каби тарихий ва нотарихий воқеа, икки юздан ортиқ масал, қисса, ривоят ва новеллалардан иборат биринчи тўпламни форс тилида яратди. Бу мажмуада сосонийлар шоҳи Ануширвон ва Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сидаги бошқа афсонавий қаҳрамонлар ҳақида ривоятлар, мансабдор

шахсларнинг номақбул қилмишлари ёки бўлмаса шунчаки тарихнинг қизиқ воқеа-ҳодисалари таълиф этилган. Ундан кейинги муаллифлар бу асардан кўпгина сюжетларни олганлар, унга тақлид қилганлар. Хуллас, бу асар кейинги даврларда яратилган бу сингари мажмуалар характерига катта таъсир кўрсатган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бу асар биринчи навбатда, бадиий асардир, унинг замондошлари ва кейинги давр ўқувчилари ҳам бу асарни адабий-бадиий асар деб қабул қилганлар ҳамда уни ўз тилларига таржима қилганлар. Бу асар кейинги ёзувчиларга ҳам тақлид учун намунавий асар ҳисобланган. Вақт ўтиши билан бу сингари бадиий насрий асарлар сайқаллашиб, тиниклашиб, сўнгра эса форс адабиётида маълум бир жанр ҳолига келиб тараққий этди. Натижада, “Калила ва Димна”, “Марзбоннома”, “Тўтинома” ва “Синдбоднома” каби ҳикоя ичида ҳикоя насрий асарлар яратилишига сабаб бўлди. Худди шунингдек, жараёни кичик новеллалардан иборат, фақат аввалгидан фарқли ўлароқ шеърлар билан безатилган Саъдийнинг “Гулистон”ида ҳам кузатиш мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, “Гулистон” форс насрининг кичик ҳажмдаги новеллалардан иборат энг юқори ва олий нуқтасидир. Бу асар юқорида таъкидланганидек, кичик ҳикоят, ривоят ва новеллалардан иборат бўлиб, гўзал шеъриятнинг намунаси билан безатилган, аммо бу асар ўрта аср ҳикоятларидан, ўзининг нафислиги, ўткирлиги, кузатувчи-мулоҳазакорлиги ва ҳаётийлиги билан фарқ қилади. Саъдийнинг “Гулистон”ида адабий-бадиий, фалсафий-ахлоқий ва халқ оғзаки ижоди каби уч адабий қатлам ўзаро уйғунлашиб кетган. Бу уч қатламнинг ҳар бири ўзига хос бир вазифани ижро этган: 1) анъаналар асосида ишланган

ва битилган адабий-бадий қатлам; 2) инсонлар дунёси, муҳаббати, дўстлиги, садоқатлиги, эзгулиги, меҳнатсеварлиги ҳақида мулоҳазалар фалсафий-ахлоқий қатлам; 3) ишқий саргузаштлар, афсонавий қатлами бажарган.

Саъдий “Гулистон”и асаридаги баён этилган ҳикоятларнинг характери, маъноси, мазмуни ва баён этилиш усулига қараб, унда уч жанр мавжуд эканлигини сезиш қийин эмас: латифа, рамзий ҳикоя ва новелла. Тўғри, бу жанрлар орасида қатъий чегаралар қўйиш қийин, чунки новелла жанрида бошқа жанрлар учун характерли бўлган маълум белгилар мавжуд.⁴

“Гулистон”даги ҳикоялар характер жиҳатидан асосан панд-насихат ва халқ оғзаки ижодидан иборат бўлса-да, бироқ асарда реал ҳаётий турмуш ҳодисалари, фалсафий маъно-мазмунига тўла халқ тўқималарининг мавжудлиги, бу асарни ахлоқий-бадий асар даражасига кўтарган. Натижада асар жуда жонли ва қизиқ маъно касб этган. Бундан ташқари бу асарда сатира ва юмор йўналиши сўзлар вужудига табиий равишда сингдирилган.

Юқорида айtilган мулоҳазалардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Саъдий ҳикоялари ўзининг шакли ва усули жиҳатидан жаҳон адабиёт тарихида новеллистика жанрида янги ҳисобланиб, унинг шакли мураккабдир. Садриддин Айний айтганларидек, “Гулистон” форс-тожик насри тарихида бадий сўз санъатининг энг мураккаб намунаси бўлиб, “Саҳли мумтанеъ”дир, яъни кўринишдан содда, оддий, аммо бунга ўхшаш асар яратиш мумкин эмас.⁵

“Гулистон”даги ҳикоялар сюжети жуда қисқа, бутун мақсад, йўналиш, мазмун ва маъно бир нуқтага

қаратилганлиги учун асар сюжети жуда ҳам кескир ва кескин тус олади, бир кичик замон-лаҳзада бўлиб ўтади, лекин ўқувчида абадий эса қоладиган катта таассурот уйғотади.

“Гулистон”дан мисол келтирамиз: “Боғдодда бир дарвиш пайдо бўлди, гўё унинг дуоиси худо олдида ижобат бўлармиш. Бу сирни Ҳажжожга етказдилар. У эса даврвешни хузурига чорлаб, илтимос қилди:

- Мени яхши бир ду қил!

- Худоё, унинг жонини ол! — дуо қилди дарвеш.

- Худо ҳақи, бу қанақа дуо, тушунтириб бер?! — сўради Ҳажжож.

Дарвеш жавоб берди:

- Бу дуо сен учун ҳамда бутун мусулмонлар учун ҳам энг хайрли ва кўнгилдагидек дуодир.⁶

Шундан сўнг шеър келади. Бу асарда ҳамма ҳикоятлар назм билан зийнатланган, улар насрий асарлар матни билан уйғунлашиб бир бутунликка айланади. Натижада бу шеър насрий асарга чуқур фалсафий маъно ва юқори юксак даражада поэтик нафислик бахш этади.

Асардаги баъзи бир ҳикоятлар бошқа муаллифларнинг насрий асарларида ҳам учрайди. Масалан, “Гулистон”даги иккинчи бобдаги биринчи “Ўғри” ҳикояси⁷ Фаридиддин Атторнинг “Мусибатнома”сида, Убайд Законийнинг насрий асарида ҳам келтирилган, бироқ турли жанрда уч хил йўсинда ёзилган. Ф.Атторда бир эпизоддан иборат латифа, Зоконийда қисқа, шарҳсиз масал, Саъдий ижодида эса ахлоқий шарҳ бўлиб, анъанавий латифа панд-ахлоқдан иборат масалга айланган. Саъдий асосан ҳикоят, ривоятларга ижобий ёндашиб, уларга тугал ва мукамал бадиий шакл-сайқал беради. Ана шунда унинг ҳико-

ялари ўз замондошларига нисбатан ижтимоий тус олади.

Саъдий Яқин Шарқ, айниқса, араб мамлакатлари бўйлаб узоқ ва кўп сафарларда бўлиб, ана шу сафарларда арабларнинг яшаш тарзи, шарт-шароити ва маиший ҳаётини ҳар томонлама ўрганди ва ўз бадиий ижодида улардан ўринли фойдаланади. Ҳеч шубҳасиз араб адиблари асарлари, айниқса ал-Жоҳиз, Ибн ал-Муқаффа, ат-Тануҳий, ал-Исфаҳоний, ибн Қутайба, ал-Ҳаририй, Муганаббий асарлари Саъдий ижодига, унинг ўзига хос жанр хусусиятларига, шакли ва баён этиш усулларига таъсир кўрсатди албатта⁸.

Саъдий форс адабиётида адабий жанрнинг янги нави, яъни новелланинг асосчиси бўлди, бу жанр қайсидир маънода халқ оғзаки ижоди вужудида тақомилга эришган эди. Саъдий эса ўзидан олдинги ўтмишдошларининг муваффақиятли адабий тажрибаларини, қисса-ҳикояларини халқ ҳикоятлари, масал ва афсоналари сюжетлари билан ўзаро уйғунлаштирди, натижада бугунги адабиётшунослар тили билан айтганда, адабий насрда янги нав-новелла яратилди. Шайх Саъдий новеллаларининг асосий манбалари эса “Марзбоннома”, “Қобуснома”, “Калила ва Димна” каби дидактик характердаги асарлардир.

Саъдий ўз ҳикоятларида халқ оғзаки ижоди, мақол ва масалларидангина эмас, ҳатто халқ ҳикоя-қиссаларининг шакли ва усуллари, уларнинг қисқа ва лўндалиги, ихчам-эпчиллигидан ҳам моҳирона фойдаланган ва уларда ёзувчининг сатирик истеъдоди яққол намоён бўлган. У халқ оғзаки нутқ шаклларида усталик билан фойдаланади, шу усулда унинг персонажлари сўзлашади (масалан, “Этиқдўз”, “Чол ва ёш хотин”, “Шоир ва қароқчи” ва бошқалар).

Шайх Саъдий нутқи (тили) фольклорга яқин, идиоматик ибораларга бой бўлиб, ҳатто уларнинг оҳанглари ҳам маълум маъно касб этади. Уларда қочирик, ҳазил, ҳозиржавоблик, зийраклик бўртиб кўришиб туради.

Шайх Саъдий “Гулистон” асаридаги мароқли, завққа тўла ва нафис-нозик юморга тўйинган ҳикоятларида мукамал бадиий образлар галереясини ҳамда ўз даврининггина эмас, ҳатто бугун ҳам ибрат олса ва фойдаланса бўладиган ҳақиқий ҳаёт картинасини яратди, хуллас Шайх Саъдий умуминсоний, умумбашарий муаммоларни қаламга олган, уларни ер шарининг қайси нуқтасида ўқиса ҳам ирқи, миллати ва динидан қатъи назар ўзига керакли маънавий фойдани олади деб ўйлаймиз.

Шарқшунос олим А.Е.Кримский жуда тўғри таъкидлаганидек, бу асар “энг яхши маънода ҳам ёки энг ёмон маънода ҳам Шарқнинг микроскопидир”.⁹

Шундай қилиб, Шайх Саъдий классик форс адабиётида ўзининг “Гулистон” асари билан адабий жанрнинг янги тури — новелла жанрининг тамал тошини қўйди ва жанрнинг келгуси тараққиётга катта таъсир кўрсатди.

¹ Деярли барча манбаларда унинг номи, насаби ва лақаби ана шундай ёзилган.

² Бу иқтибос С.Нафисийнинг устозга бағишланган “Саъдийнинг вафоти ҳақида энг тўғри сана” мақо-ласидан олинди.

³ Мушрифиддин Саади. Гулистон (Розовий сад). Пер с перс.яз. Р.Алиева. —М., 1957. С.5.

⁴ Саъди Магдиев. Истоки и развитие малых жанров прозы персидско-таджикской литературы X-XIV вв. — Душанбе. 1986. С.104.

⁵ Саъдий Шерози. Бўстон. Тартиб ва эзоҳдиханда Садриддин Айний. Нашри дуюм. —Душанбе. 1965. сах.218.

⁶ Саъдий Шерози. Гулистон. —Душанбе. 1962. Саҳ.25.

⁷ Саъдий Шерози. Гулистон. —Душанбе. 1962. Саҳ.41.

⁸ Мухаммадтақи Баҳор, Сабкшеноси. Нашри сеюм. — Техрон. 1349.

⁹ Кримский А.Е. История Персии, ее литература и дервишской теософии. Т.3. —М.

МУНДАРИЖА

Сўз боши (форс тилида)	5
Алибек Рустамов (Академик). Шайх Саъдий ва Навоий шеър- иятида ҳақиқат ва мажоз талқини (форс тилида)	11
Доктор Аббосали Вафой. Жилваҳойи орифона дар Гулис- тони Саъдий (форс тилида)	17
Азиз Қаюмов. “Гулистон” Огаҳий таржимасида	25
Абдулқодир Ҳайитметов. “Бўстон” ва ўзбек адабиёти	36
Суйима Фаниева. “Гулистон” ва “Бўстон” таржималари- даги баъзи носозликлар	46
Қувомиддин Муниров. “Шавқи Гулистон” ҳақида	49
Ж.Ҳазратқулов. Саъдий “Гулистон”и ва форс настри	53

Ўзбекистон Республикаси
 Ўзбекистон Республикаси
 Ўзбекистон Республикаси
 Ўзбекистон Республикаси
 Ўзбекистон Республикаси
 Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси
 Ўзбекистон Республикаси
 Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси
 Ўзбекистон Республикаси
 Ўзбекистон Республикаси

ШАЙХ САЪДИЙ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Илмий анжуман материаллари

Эрон Ислом Республикаси
«АЛ-ҲУДО» халқ аро нашриёти
Ўзбекистон Республикаси
«Минҳож» нашриёти
Тоҳрон - Тошкент
2004

Муҳаррир: Гулҳаё МИНҲОЖИЙ
Мусаввир: Беҳзод МИНҲОЖИЙ
Мусаҳиҳа: Гулранг МИНҲОЖИЙ
Дизайн усталари: Ҳақ ёр МИНҲОЖИЙ,
Алишер МИНҲОЖИЙ
Форсча матплари
терувчи: Арслон Ёрқин

Чоп этишга рухсат этилди: 2004.12.07.
Қоғоз бичими: 84x108 ¹/₃₂. Офсет қоғози.
Босма тобоғи: 4,0. Адади: 1000.

«Минҳож» нашриёти
Тошкент ш. 700083. Буюк Турон, 41
Тел.: 1367881



مقالات
شمسار
سعدی شسرازی
و
ادبیات
ازبکی

رایزنی فرهنگی سفارت جمهوری اسلامی ایران
در تاشکند
با همکاری
موزه‌ی دولتی ادبیات نوایی